

XX АСР ЎРТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎШИҚЧИЛИК МАДАНИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ



Музаффар Сайфуллаев

“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси директори ўринбосари
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти мустақил
изланувчиси

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-06-10>

Аннотация: Мазкур илмий мақолада мамлакатимизда мусиқа санъатининг тушунчаси, совет даврида мусиқа санъатига бўлган эҳтиёж, совет даври мусиқа санъатида таълим масалалари, ҳамда ушбу мавзу юзасидан олиб борилган илмий изланишлар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Мусиқа, қўшиқчилик, мафкура, мустамлака, урф-одат, конкурс, фольклор, бастакорлик, анъанавий мусиқа, мадний мерос.

Аннотация: В данной научной статье исследуются понятие музыкального искусства в нашей стране, потребность в музыкальном искусстве в советский период, вопросы образования в области музыкального искусства в советское время, а также научные исследования, проведенные по данной теме.

Ключевые слова: музыка, песенное творчество, идеология, колониализм, обычаи, конкурс, фольклор, композиторское искусство, традиционная музыка, культурное наследие.

Abstract: This scientific article examines the concept of musical art in our country, the demand for musical art during the Soviet era, educational issues in musical art in the Soviet period, as well as scientific research conducted on this topic.

Keywords: music, songwriting, ideology, colonialism, customs, contest, folklore, composition, traditional music, cultural heritage.

Мусиқа инсон рухиятини тарбиялайди, унинг маънавий дунёкарашини кенгайтириб, яхшиликга етайлайди. Шунингдек, тарихда ҳар бир даврда мусиқа санъатига турлича тариф, турлича ёндошув бўлган.

Совет даврида Ўзбекистонда мусиқа маданияти ҳақида сўз борар экан, олиб борилган давлат сиёсати ва ҳукмрон коммунистик партия сиёсати бу соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, Ғулом Зафарий, Абдурауф Фитрат, Тоғай шоир Махмонов ва бошқа мусиқа санъати билимдонлари, намояндаларининг аянчли тақдирини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Тарихчи олим Баҳром Ирзаевнинг “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мусиқа маданиятининг ривожланиши” китобида айнан ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ҳозирги давргача етиб келган халқимизнинг деярли барча мусиқий асарлари шаклан ва мазмунан катта-кичиклигига қарамай, бадиий мукаммаллиги билан ажралиб туради. Узоқ тарихий давр мобайнида аждодларимиз томонидан яратилган бу беназир мусиқий қадриятлар минтақада Россия империяси мустамлакачилик тузуми, айниқса мустақил советлар ҳукмронлиги шароитида бирмунча зиддиятли ҳолатларни бошидан кечирди. Шу ўринда совет давлатининг маданият соҳасидаги сиёсатини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Умуман, совет даврининг мураккаб ва зиддиятли томонлари ўз ўрнида мусиқа маданиятига ҳам таъсир этганлигини қайд этиш лозим. Бу даврда асрлар давомида эркин

ривожланиб келган мусиқа санъатида баъзи чеклашлар кўзга ташланса-да, мусиқа санъатида трансформация жараёнлари қизгин борганлигини эътироф этиш ўринлидир. Энг муҳими, бу даврда мусиқада янги жанрлар ва ижро усуллари вужудга келди. Ўзбекистонда илк опера, симфония, жаз ва эстрада мусиқа асарлари яратилиб, кенг халқ оmmasига ва жаҳон жамоатчилиги эътиборига ҳавола қилинди. Турли ташкилотларда, колхозларда бадий-ҳаваскорлик жамоаларини тузиш, улар ўртасида турли конкурслар, олимпиадалар, кўриклар ўтказиш анъанага айлантирилди.

Ўзбек замонавий мусиқаси деганда, ҳозирги кунда ижро этилаётган барча мусиқа турларини тушунамиз. Улар жанр нуқтаи назаридан ранг баранг бўлиб, оддий музикаий намуналар ҳамда мураккаб асарларни ўз ичига олади. Булар ўзбек халқ фольклор мусиқаси, мақомлар, анъанавий бастакорлик ва замонавий композиторлик ижодига мансуб музикаий намуналардир. Замонавий ўзбек мусиқаси орасида композиторлик ижоди жуда кенг ривожланиб, халқ орасида оммалашди. Яъни, жаҳон мусиқа маданиятидан жой олган опера, балет, симфония, оратория, кантата, мусикали драма, суита, поэма жанрларида етук асарлар яратилди. Қисқа даврда қатор композиторлар элга танилдилар. Улар орасида Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиков, Собир Бобоев, Сулаймон Юдаков, Мутал Бурҳонов, Рустам Абдуллаев, Мустафо Бафоев, Сайфи Жалил, Аваз Мансуров, шунингдек, балет ижодкорлари — Алексей Козловский, Икром Акбаров, Улуғбек Мусаев, симфония ва концерт асарлари муаллифлари - Мирсодиқ Тожиев, Тўлқин Қурбонов, Мирхалил Маҳмудов, Рашид Ҳамроев, Георгий Мушел, Нуриддин Ғиёсов, ўз ижодлари билан ораториядан тортиб то эстрада ва болалар кўшиқларида замонавий талабларга мос ижод қилган Шермат Ёрматов, Надим Норхўжаев, Алишер Расулов, Алишер Икромов, Дилором Омонуллаева, Муҳаммад Отажоновларни санаб ўтиш мумкин. Шунинг эътиборига олиш лозимки, “Замонавий мусиқа” тушунчаси фақат кўп овозли мусиқа жанрларига тегиш ли бўлиб, янги авлодга мос янги йўллар билан ривожланиб бораётган анъанавий бастакорлик ижодиётига ҳам тааллуқлидир.[1]

XX асрнинг 70-80 йилларида халқ орасида Комилжон Отаниёзов, Юнус Ражабий, Отажон Худойшукуров, Олмаҳон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамов, Хайрулла Лутфуллаев, Ортик Отажонов, Фахриддин Умаров, Муҳаббат Шамаева, Шерали Жўраев, Муножот Йўлчиева, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова каби санъаткорлар халқ эътиборини қозонди. Халқ кўшиқларини совет ҳуқуқронлиги шароитида сақлаш ва ривожлантиришда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ташкил этилган халқ ансамбллариининг ўрни катта бўлди. Масалан, “Бойсун” халқ фольклор-этнографик ансамбли 1975 йили Бойсун тумани маданият уйи қошида “Шалола” ансамбли, базасида тузилди.[2] 1987 йили майда ансамбль жамоаси Ўзбекистон телевиденияси режиссёри Эдуард Давидов билан ҳамкорликда “Бойсунда қор эриганда” номли фильм-концертини суратга олди.[3]

Ушбу илмий мақолада кўшиқчилик таълими масалаларига алоҳида эътибор берилиб, умумтаълим мактабларида кадрлар етишмаслиги туфайли ашула ва мусиқа машғулотларини йўлга қўйиш ишлари талаб даражасида бўлмаганлиги қайд этилган. Масалан, 1960 йил Ўзбекистонда 6229 та умумтаълим мактаби бўлиб, шундан фақат 443 тасида мусиқа ўқитувчилари фаолият юритган. Улардан фақат 31 нафари олий, 228 нафари ўрта махсус маълумотли[4] бўлса, 108 нафари махсус маълумотга эга эмас эди.[5] Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида фаолият олиб борган мусиқа таълими муассасалари мусиқа соҳаси кадрларини тайёрлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар орасидан турли танлов ва конкурслар ғолибларини тайёрлаш борасида ҳам юқори натижаларга эришди. 1978 йил Ўзбекистонда мусиқа билим юрти ўқувчиларининг V Республика конкурси ўтказилди. Конкурсада 175 нафар ўқувчи иштирок этиб, учинчи турга 40 киши ўтди. 7 та ўқувчи I даражали, 12 та ўқувчи II даражали, 13 та ўқувчи III даражали диплом билан тақдирланди. Конкурсада Тошкент ва Фарғона мусиқа билим юрти ўқувчилари яхши натижаларга эришди.[6]

1980 йил 31 январдан 7 февралгача Тошкентда ўзбек миллий чолғу мусиқа ижрочиларининг III Республика конкурси бўлиб ўтди. Конкурсада республика бўйича 98 та

мусиқа ижрочиси қатнашди. Иккинчи якунловчил турига 32 иштирокчи чиқа олди.[7] Конкурсада Тошкент, Наманган, Бухоро, Фарғона мустиқа билим юрти талабалари яхши натижаларга эришган бўлса, Самарқанд, Нукус, Қарши, Жиззах ва Гулистон мустиқа билим юрти талабалари умуман иштирок этмаган.[8]

Ўзбекистонда олий маълумотли мустиқачилар ва қўшиқчилар тайёрлашда Тошкент Давлат консерваторияси, А.Н.Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институти, А.Қодирий номидаги маданият институти, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари мустиқа кафедралари муайян роль ўйнаган. Тошкент Давлат консерваторияси 1936 йил очилиб, унда дастлаб композиторлик, тарихий-назарий, фортепиано, ижрочилик (вокал) оркестр, мустиқа таълими факультетлари ташкил этилган.[9] 1940-1941 ўқув йилида консерваториянинг илк битирувчилари жами 9 киши мутахассислик дипломини олишга муваффақ бўлганлар.[10] Булар – О.Поликарпова, Е.Близнюк, Н.Черниловская, Р.Олимпиаева, В.Казанская, И.Карелова, Т.Визго, К.Болоховитинова, И.Кальницкаялар бўлиб, кўриб ўтилганидек, улар орасида маҳаллий миллатга мансуб бирорта ҳам битирувчи бўлмаган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустиқа таълими жуда мураккаб шароитда ўз фаолиятини давом эттирган эди. Бу даврда Фарбий ҳудудлардан эвакуация қилинган таълим муассасалари Ўзбекистон мустиқа таълимининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ленинград консерваторияси профессорларидан Л.В. Николаев, С.И.Савшинский, П.А. Серебряков, Н.Е. Перельман, М.Я.Хальфин, В.Волошин, М.О.Штейнберг, Х.С.Кушнарев, киевлик профессорлар А.М.Брагин, Д.С.Бертье, К.Н. Михайловлар Тошкент Давлат консерваторияси ўқитувчилари ва талабаларига мустиқа таълимининг турли йўналишларини ўзига хос жиҳатлари, нозик қирралари ҳақида кенг тушунчалар бериб, ижодий жамоа фаолиятининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшди.[11]

Тошкент консерваториясида 1940 йилда 142 нафар, 1945 йилда 174 нафар, 1947 йилда 243 нафар талаба таҳсил олган эди.[12] 1957-1958 ўқув йилида Тошкент давлат консерваториясида 338 нафар талаба таҳсил олиб, уларнинг 135 нафарини руслар, 74 нафарини ўзбеклар, 46 нафарини яҳудийлар, қолганларини эса бошқа миллат вакиллари ташкил этган.[13] Шунингдек, 1972 йили М.Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясида санъатшунослик фанлари доктори, профессор Ф.М.Кароматов ташаббуси билан собиқ Иттифокда биринчи бўлиб “Шарқ мустиқаси” кафедраси очилди.[14] 1988 йилга келиб, консерваториядаги 9 та кафедрада 339 нафар педагог илмий, ижодий иш устида изланиш олиб борди.[15]

Дарҳақиқат, қўшиқчилик санъатини ривожлантиришда мустиқа таълими муҳим аҳамиятга эга. Совет даврида таълим соҳасида катта ўзгаришлар юз бериб, мустиқа таълими уч босқичда йўлга қўйилган. Шаҳарларда мустиқа мактаблари ва билим юртлари ташкил этилган. Мустиқа таълими муассасаларида миллати, ижтимоий келиб чиқиши, жинсидан қатъий назар, ҳар бир кишига мустиқа таълими бўйича маълумот олишга кенг йўл очилиши билан бирга бу борадаги баъзи чеклашлар ҳам юз берди. Ушбу таълим муассасаларида асосан Европа мустиқа санъатини ўргатишга жиддий аҳамият берилди.

Энг аввало шўролар ўзбек халқи маънавий ҳаёти, хусусан Совет мустабид тузуми даврида миллий қўшиқчилик санъатининг қолақ, реакцион эканлиги тўғрисидаги ақидаларни тўқий бошлади. Шу аснода, ўтмиш миллий маданиятини рус мустахлакачилиги давридагидан ҳам кўпроқ ҳақоратлаб, камсита бошлади. Бундай мақсадга эришишнинг йўли сифатида эса турли воситалардан фойдаландилар. Ким миллий маданиятга нисбатан ижобий муносабатда бўлса, уларнинг барисига “миллатчи” деган тамға қўйила бошланди. Бундан ташқари, миллий қўшиқчилик маданиятимизда икки ёқламалик пайдо бўлди. Бир томондан янги яратилаётган қўшиқлар, мустиқа, куйлар асосан сиёсий савиясига қараб баҳоланди. Агар бундай асарлар шўролар тузумини кўкларга чиқариб мақтаса, ҳамду-санолар айтса, уларнинг баҳоси юқори бўлди. Сиёсий қўшиқларни баҳолаш мезонлари излаб чиқилад бошланди. Айни вақтда миллий ашулалар қийинчиликларга, таҳқирлаш, камантишларга қарамасдан ривож топди. Халқнинг қалби ва

кўнглидаги кўшиқларни ҳар қандай сиёсий тазйиқлар билан чиқариб ташлаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги ҳақиқат ўз исботини топди.

Ижтимоий кўшиқларнинг шаклланишида клуб муассасалариниш ўрни ва роли катта бўлди. Клублардан кўзланган асосий мақсад жамиятни сиёсийлаштириш, пировард натижада маънавий ҳаётни, хусусан кўшиқчилик санъатини сиёсий қолипга солишдан иборат бўлди. Шунингдек кўшиқчилик маданиятида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш асосий ўринга кўтарилган. Шу аснода 1918 йил 7 май куни Тошкентда биринчи ишчилар клуби ташкил топди. Клубларда амалга оширилган оммавий ишларнинг мазмуни клубларнинг ташвиқот-тарғибот борасидаги фаолиятида, ижтимоий кўшиқлар яратишда, оммавий тартибдаги байрамларни ўтказишда ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам, клуб Низомида қайд этилганидек, унинг асосий вазифаси меҳнаткашларга сиёсий билимлар беришдан иборат бўлди. Бу мақсадни Туркистон, Ўзбекистон қишлоқ жойларида маданий-маърифий ишларни қизил аравалар, қизил карвонлар ва кўчма ўтовлар амалга оширдилар.

Бундай тадбирларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад кишиларда мустабид шўро тизимига меҳр-муҳаббат уйғотишдан, жамият аъзоларида аниқ манқуртлик кўринишларини, ўз миллий заминига нисбатан шубҳа билан қарашни шакллантиришдан иборат эди. Шу каби чеклашларга қарамасдан, ўзбек миллий кўшиқчилик санъати ўзининг анъанавий ривожланиш йўлидан қайтмади. Дастлабки миллий бадий ҳаваскорлик тўғарақлари мактаб, техникум ва бошқа олий ўқув юртларида ташкил топган бўлиб, улар ашула ва рақс жамоаси кўринишида эди. Бу тўғарақларнинг раҳбарлари маҳаллий созандалари халқ ёки бадий ҳаваскорликнинг фаол ва истеъдодли қатнашчилари бўлган. Халқ созандаларининг фаолияти асосан уч йўналиш - ижрочилик, педагогик ва фолклоршунослик бўйича борган.

Умуман миллий байрамлар, уларда айтиладиган кўшиқлар барҳам топа бошлади. Рамазон ойи ва ҳайитларни байрам қилишга чек қўйилди. Уларнинг ўрнига эса сиёсий тусдаги байрамлар устивор характер касб эта бошлади. Турли тўғарақлар, бадий жамоаларга раҳбарлик қилган маҳаллий миллат вакиллари миллий кўшиқчиликни сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Масалан, Самаркандда турли-туман тўғарақлар ташкил қилиниб, уларга Бухоро, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қўқон ва бошқа жойлардан келган моҳир созанда ва хонандалар Ота Жалол Носиров, Домла Ҳалим Ибодов, Хожи Абдурахмон Умаров, Левича ҳофиз, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харратов, Аҳмаджон Умурзоқов сингари бир қатор санъаткорлар бошчилик қилдилар. Юқорида номлари зикр этилган устозларнинг шогирдлари ҳам кўшиқчилик санъатини ривожлантиришда фаол иштирок этдилар. Дуторчи Қори Сирож Юсупов, Ҳожи Раҳмонберди, Хушқомил, Усто Мукум, Эшон Раҳматхўжа, Муҳиддин Мавлонов, Бобо Шароф, Қодир Авлиё, Ғулом Қодир ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу санъаткорлар шаҳарнинг гавжум жойларида, чойхоналарда ўз санъатларини намоиш қилдилар. Бухоролик ҳофизлар Ота Жалол, Домла Ҳалим Ибодов ва Хожи Абдурахмон Умаровлар Растайи навда, Ҳавзи Баланд кўчасидаги чойхонада, Ҳожи Абдулазиз, Қори Сирож Юсупов, Толибжон Содиқов, Қобилжон қози Абдурасул маҳалласидаги чойхонада ижрочилик қилишарди.

Оҳанг – рухнинг озуқаси, дейишади. Бежизга муқаддас Қуръони карим тиловатидаги оҳангдорлик кишининг руҳиятига енгиллик, қалбига хотиржамлик бермайди. Ҳатто кушларнинг сайраши, сувнинг жилдираб оқиши, шабоданинг майин эсишида ҳам оҳанг мавжудки, тинглаган ва буни англаган одам саодатманддир. Инсон миллати, дини, ирқи ва жинсидан қатъий назар мусиқа тинглашга, кўшиқ эшитишга мойил бўлади. Ўзи ҳам ҳеч бўлмаганда хиргойи қилиб, беихтиёр куйлаб юради. Бу унинг табиатида бор. Дунёда қанча миллат-элат бўлса, уларнинг ҳар бирида ўзига хос оҳанг, ўзгача куй-кўшиқлари бор. Араб куйлари хитой куйларига, ҳинд кўшиқлари русларникига ўхшамайди. Лекин, уларни бирлаштириб турадиган ягона омил шуки, бу қайси миллат кўшиқлари бўлмасин, барчаси инсонларни эзгуликка, меҳр-муҳаббатга, Ватанга садоқат-у, ота-онага ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантиришни мақсад қилади. Шу билан биргаликда миллий кўшиқлар ўша миллат тарихини, урф-одатларини, қадим қадриятларини ўзида акс эттириб, у миллатнинг

асрий орзу-истакларини ўзида мужассам этади. Мисол учун, бирор бир миллат мустамлакачилар исканжасида эзилаётган бўлса, ўша миллат қўшиқларида Ватанга муҳаббат, озодликка талпиниш каби мавзулар кўпроқ учрайди ва ҳоказо...

Шу боис ҳам қўшиқчиликда миллийлик, жасурлик, мардлик байналмилаллик жуда кўп куйланган яъни, инсоният учун ҳеч қачон эскирмайдиган, янги авлод юрагида яшашда давом этадиган ишқ-муҳаббат, ота-онага ҳурмат мавзулари эса, табиийки, ҳамма (миллат қўшиқларида асосий йўналиш ҳисобланади. Ўзбек миллий қўшиқчилик санъати ҳам асрлар давомида шаклланиб, халқимизни тарихи, орзу-умидлари ва анъаналарини тўлиғича ўзида намоён этади. Агар биз яхшилаб эътибор берсак, қайсидир қўшиқлар яратилган давридаги халқ ҳаёти билан бирга сиёсий аҳволи ва тарихий кечинмаларни ҳам ўзида акс эттирганини кўрамиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, XX аср ўрталарида Ўзбекистонда қўшиқчилик маданиятида баъзи кадриятларлар ва маданий мерос намунаси бўлган мусиқа санъати маълум бир мафкурага мослаштирилди, баъзилари эса унутилди. Сабаби янги давр янги сиёсий мафкуравий тизимлар янги мусиқага эҳтиёж сезган шу туфайли имконият даражасида миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатини инкор этиб қатағонга мажбур этган. Лекин, унутмаслик керакки ўзбек мусиқа маданиятида миллий мусиқа, анъанавий мақом йўллари ўрганиш, улар билан танишиш нафақат миллий кадриятларга нисбатан ҳурмат туйғусини ўйғотади, балки ёшлар руҳиятида ўз миллатига, ватанига бўлган муҳаббат туйғуларини шакллантиради.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. С.Бегматов, Д.Каримова, Қ.Мамиров. Мусиқа. Дарслик. Ғафур Ғулом нашриёти 2008 йил.
2. Абдуллаев Р. Бойсун традиционная музыкальная культура. – Ташкент, 2006. – С. 15-16.
3. Турсунов С., Рашидов Х. Бойсун. – Тошкент: Академнашр, 2011, - Б. 333.
4. ЎзР МДА, Р.94-фонд, 7-рўйхат, 390-иш, 11-12-варақлар.
5. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 39-рўйхат, 462-иш, 7-варақ.
6. ЎзР МДА, Р.2487-фонд, 3-рўйхат, 4838-иш, 187-варақ.
7. ЎзР МДА, Р.2487-фонд, 3-рўйхат, 5386-иш,
8. ЎзР МДА, Р.2487-фонд, 3-рўйхат, 5386-иш, 30-варақ.
9. ЎзР МДА, Р.2087-фонд, 3-рўйхат, 671-иш, 2-3-варақлар.
10. ЎзР МДА, Р.2087-фонд, 3-рўйхат, 671-иш, 2-3-варақлар.
11. М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг 50 йиллиги. – Тошкент, 1986, - Б.
12. ЎзР МДА, Р.2731-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 16-варақ.
13. ЎзР МДА, Р.2487-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 2-варақ.
14. Ражабийхонлик // Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 1993.- И.22-23.
15. ЎзР МДА, Р.2487-фонд, 3-рўйхат, 7656-иш, 26-варақ.